

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 27 май, № 102 (6032) Сешанба

# Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона барпо этиш тўғрисидаги ташаббуси жаҳон ҳамжамиятида ўзининг амалий ифодасини топди

*2014 йил 6 май куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳида том маънодаги тарихий воқеа юз берди — мазкур ташкилот тузилганидан буён биринчи маротаба беш ядровий давлат — АҚШ, Буюк Британия, Франция, Хитой ва Россия якдиллик билан ва бир пайтнинг ўзида муҳим халқаро ҳужжатни — Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона барпо этиш тўғрисидаги Шартномага Хавфсизлик кафолатлари тўғрисидаги Протоколни имзолашди. Ушбу қадам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан 1993 йили БМТ Бош Ассамблеяси минбаридан туриб илгари сурилган ташаббуснинг тўла амалга оширилишини ниҳоясига етказгани ҳолда, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга ҳамда ядро қуроли тарқалмаслиги ва қуролсизланиш бўйича глобал режимнинг кучайишига улкан ҳисса қўшади.*

Ўзбекистон мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ инсонпарварлик ва тинчликсеварлик қадриятларига асосланган тинчлик ва яратувчанлик билан ривожланиш йўлини танлаган эди. Марказий Осиёдаги барча мамлакатлар ва халқлар манфаатлари ва тақдири муштараклиги ҳамда минтақавий ва глобал хавфсизлик бўлинмас эканлигини чуқур тушунишга асосланган ҳолда Ўзбекистон ўзининг барча халқаро саъй-ҳаракатларини минтақанинг тинчлик билан ва барқарор ривожланишини таъминлашга йўналтириб келади.

Бугун дунёнинг турли минтақаларида, шу жумладан, Марказий Осиёда қарама-қаршилик ва қуролли низолар чуқурлашиб бораётган, терроризм, экстремизм, оммавий қирғин қуроллари тарқалиши ва миллий чегараларни тан олмайдиган бошқа хавф-хатарлар кучайиб бораётган бир шароитда Ўзбекистон оқилона ва узоқни кўзлаган изчил сиёсат олиб бораётганини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди. Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни асраш ҳамда мустаҳкамлаш, минтақани хавфсизлик ва барқарор ривожланиш зонасига айлантириш Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти Концепциясида устувор вазифалар қаторида туради.

Шуни эътироф этиш керакки, Ўзбекистон Президенти илгари сурган кўпгина ташаббуслар халқаро жамоатчилик томонидан ҳақли равишда қўллаб-қувватланмоқда. Ана шундай ташаббуслар орасида қуйидагилар мавжуд: **Президент Ислом Каримовнинг 1999 йили Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Истамбул саммитида таклиф этган Терроризм билан кураш бўйича Халқаро Марказни яратиш ғояси** 2001 йилнинг сентябрида БМТ Хавфсизлик Кенгаши доирасида Аксилтеррор қўмитанинг таъсис этилишида ўз тажассумини топди. **2002 йил октябрида БМТ Бош котибининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида тилга олинган, яъни Президент Ислом Каримовнинг таклифи бўйича Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва улар прекурсорларининг қонунга хилоф равишда муомалада бўлишига қарши курашиш бўйича Марказий Осиё минтақавий ахборот мувофиқлаштириш маркази (ЦАРИКЦ) ташкил этилган эди.**

Афғон халқига улкан мусибатлар келтирган ва бутун минтақа учун жиддий хавф-хатар манбаи бўлиб қолган Афғонистондаги узоқ йиллик қонли урушга чек қўйишга даъват этган Ўзбекистон раҳбарининг ташаббуслари жаҳон ҳамжамиятининг алоҳида эътиборини жалб қилди. **1993 йилдаёқ, яъни БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Президент Ислом Каримов жаҳон ҳамжамиятини Афғонистон муаммосини ҳал этишда фаол кўмаклашишга чақириб, том маънода бонг урган эди. 1995 йили БМТ Бош Ассамблеясининг 50-сессиясида Ўзбекистон Афғонистонга қурол-яроғ киритилишига қарши халқаро эмбарго қўйиш ғояси билан чиқиб, бу мамлакатда умуммиллий муросага эришилиши учун коалицион ҳукумат тузиш моделини таклиф этди.** 1997 йили мамлакатимиз раҳбарияти ташаббуси билан БМТ шафелигида **“6+2” шаклидаги мулоқот гуруҳи** фаолият кўрсата бошлади. Бунинг шарофати билан 1999 йил 21 июль куни **“Афғонистондаги можарони тинч йўл билан бартараф этиш тамойиллари тўғрисида”ги Тошкент декларацияси** имзоланди. **2001 йилда Президентимиз БМТ Бош котибига йўллаган мурожаатида Афғонистонни демилитаризация қилиш масаласини БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши кун тартибига қўйиш таклифини илгари сурди. Президент Ислом Каримов 2008 йили НАТО/СЕАП ташкилотининг Бухарест саммитида Афғонистон Ислом Республикасидаги можарони биргаликда сиёсий йўл билан ҳал этиш, бу мамлакатдаги ихтилофлилик салоҳиятининг даражасини пасайтириш ва унга мувофиқлаштирилган иқтисодий ёрдам кўрсатилиши мақсадида Мулоқот гуруҳи фаолиятини “6+3” гуруҳи шаклида қайтадан бошлашни таклиф этди.**

Мазкур мулоқот гуруҳида кўрсатилган айнан ўша давлатлар Афғонистон атрофидаги воқеаларнинг ривожланиши жараёнида афғон инқирозини ҳал этиш йўлларини қидириш борасидаги халқаро саъй-ҳаракатларга энг кўп даражада жалб этилгандир.

**(Давоми 2-бетда).**

## Латвия Президенти Андрис Берзиньш:

# «БИЗНИНГ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИМИЗ УЗОҚ МУДДАТЛИДИР»

Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньш Ўзбекистонга расмий ташрифи олдидан “Жаҳон” ахборот агентлигининг саволларига жавоб берди.

*— Жаноб Президент, мамлакатларимиз бир-биридан минглаб километр узоқликда жойлашган бўлса-да, бу Ўзбекистон — Латвия сиёсий мулоқотларининг изчил ривожланишига халақит бермайди. Ўтган йили куз фаслида Президент Ислом Каримов давлат ташрифи билан Латвияда бўлди, жорий йилда эса Сиз Ўзбекистонга ташриф буюрмоқдасиз. Мамлакатимизга бўлажак ташрифингиздан қандай мақсад ва вазифаларни кўзлаётирсиз?*

— Президент Ислом Каримовнинг ўтган йил октябрь ойида Латвияга буюрган ташрифи якунлари янада самарали ҳамкорлигимиз учун яхши асос бўлди. Кейинги пайтларда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш изчил ривожланиб бормоқда. Рақамлар, ҳозирча, албатта, у қадар катта эмас. Бироқ Латвияда Ўзбекистон Савдо уйининг очилиши — бу Президент Ислом Каримовнинг ташаббусларидан бири — ушбу кўрсаткич ўсишини таъминлайди. Менга маълум қилишларича, Савдо уйи орқали тузилган шартномаларнинг қиймати ҳозирнинг ўзидаёқ 30 миллион АҚШ долларидан ошган. Бу, бор-йўғи, биргина мисол, лекин у ўзаро алоқалар ривожида катта салоҳият мавжудлигини жуда яққол кўрсатиб турибди.

Бугун мен шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистонга сафар арафасида биз мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳурматга, манфаатларни эътироф этиш ва бир-бирини қўллаб-қувватлашга асосланган ишончли ва шериклик муносабатларимизни давом эттириш ҳамда мустаҳкамлаш истагидамиз.

Тошкентда бўладиган олий даражадаги музокаралар давомида биз жуда аниқ-равшан масалалар юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашамиз. Айниқса, менинг назаримда, ҳозирги пайтдаги жуда муҳим бўлган халқаро хавфсизлик, Афғонистон, транзит масалалари шулар жумласига киради.

Ташриф учун хийла катта тайёргарлик ишлари олиб борилди. Ҳамкорликни янада кенгайтириш тўғрисидаги қатор ҳужжатлар имзоланади. Масалан, қайта янгиланадиган ресурсларга доир масалалар ҳам мавжудки, улар Латвия учун жуда муҳимдир.

Узоқ йиллик ҳамкорлигимизнинг фойдали таркибий қисмларидан бири “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси ҳисобланади. У, мана, ўн йилдирки, “Тошкент — Рига — Нью-Йорк” ҳамда “Нью-Йорк — Рига — Тошкент” авиақатнови билан мамлакатларимиз пойтахтларини боғлаб турибди.

Дарҳақиқат, мамлакатларимиз ўртасидаги масофа катта. Бироқ бунинг фойдали жиҳати ҳам бор: бизлар турличамиз ва муайян маънода бизлар бир-биримизни тўлдиришимиз мумкин. Биринчи галда, савдо-сотиқда. Шу боис ўнлаб тадбиркорлар биз билан Тошкентга боришади. Амалий масалалар ҳал этилиши учун ҳукумат вакиллари ҳам бўлади, таълим ва маданият соҳасидаги таниқли одамлар ҳамроҳлик қиладилар.

Ўз томонимдан шуни яна бир бор тасдиқлашни истардимки, биз Латвия ва Ўзбекистоннинг сиёсий ҳамда иқтисодий алоқаларини янада мустаҳкамлашдан манфаатдормиз.

Бизлар орттирган тажрибага эҳтиёж бўлган соҳаларда лойиҳаларни ҳаётга янада фаолроқ татбиқ этишга Латвия тайёрдир. Ўйлайманки, биз кўпгина соҳалар — қишлоқ хўжалиги, маданият ва бошқа йўналишларда бир-биримиздан ўрганишимиз мумкин.

Ўзбекистонда Латвия учун жуда фойдали бўлган кўпгина соҳалар бўйича тажриба бор. Шунинг учун ҳам мамлакатларимиз ўртасида ўзаро алмашувлар йўлга қўйилаяпти. Ишончим комилки, ташрифимнинг натижаси ўлароқ, ўзаро муносабатларимиз янада ривожланиши мумкин бўлмоғи учун биз янги тажриба ва таассуротлар оламиз.

*— Кейинги 8 — 10 йил давомида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти юқори суръатлар билан ривожланмоқда. Сиз ана шундай ўсишни ҳамда бунинг мамлакат ҳаётидаги бошқа соҳаларга таъсирини қандай баҳолайсиз?*

— Мен жуда кўп вақтдан буён Ўзбекистонда бўлмадим. Шунинг учун бугунги кунда уларнинг ҳаммаси қандай кўринишга эга эканлигини тасаввур қилиш мен учун бир оз енгил эмас. Юртингизга борганимдан сўнг буни аниқ айта оламан. Бироқ рақамлар ва далиллар, ҳақиқатан ҳам, глобал молиявий инқироз оқибатларига қарамасдан, Ўзбекистон барқарор ва яхши тенденцияларини ҳамда иқтисодий ривожланиш натижаларини ишонч билан намоён қилаётганидан далолат берадики, улар иқтисодиёт ўсишининг салмоқли салоҳиятини тасдиқлайди.

**(Давоми 2-бетда).**

*Мамлакатимизга ташриф буюрган Вьетнам Бош прокурори Нгуен Хао Бинь бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашитжон Қодиров билан учрашди.*

# БОШ ПРОКУРАТУРАДА УЧРАШУВ

Музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Вьетнам ўртасида кўплаб йўналишларда, жумладан, ҳуқуқий соҳадаги ҳамкорлик изчил ривожланаётгани алоҳида таъкидланди. Прокуратура органлари ўртасидаги муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш икки давлат бош прокуратураларининг ўзаро ҳамкорлигини равнақ топтиришга хизмат қилмоқда.

Меҳмонлар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмини мустаҳкамлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар, мамлакатимиз прокуратура органларининг ҳуқуқий мақоми ва ваколатлари, фаолиятининг асосий йўналишлари билан таништирилди.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган янги концептуал ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларнинг босқичма-босқич амалга оширилаётгани, жумладан, тегишли меъёрий ҳужжатлар қабул қилинаётгани суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларни янада кенгайтиришга хизмат қилаётгани таъкидланди.

— Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимининг муваффақиятли ислоҳ этилаётгани мамлакатларимиз бош прокуратуралари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида улкан имкониятлар яратмоқда, — деди Вьетнам Бош прокурори Нгуен Хао Бинь. — Бугунги самарали учрашув идораларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларнинг истиқболларини белгилаш имконини берди.

Вьетнам делегацияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Олий суди ва Ички ишлар вазирлиги раҳбарлари билан ҳам учрашувлар ўтказди.

**Бобур ОБИДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ҚАТЪИЯТ, ШИЖОАТ, БЕҒУБОР ОРЗУЛАР

академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таҳсилни давом эттирадиган йигит-қизлар истакларида яққол намоён бўлмоқда



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

*Юртимизнинг буюк келажаги маънан баркамол, етук интеллектуал салоҳиятли авлод тақдирига бевосита боғлиқ. Шу боис таълим-тарбия соҳаси ривожига катта эътибор қаратилиб, йигит-қизларнинг замонавий асосда пухта билим олиши, истеъдодини кенг миқёсда намоён этиши учун беқиёс имкониятлар яратилмоқда.*

## ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ – АМАЛДА

Барчамиз кўриб гувоҳи бўлаётганимиздек, Президентимиз раҳнамолигида изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилган мақсадли дастурлар туфайли нафақат шаҳар марказлари, балки энг чекка қишлоқ ва овулларда ҳам муҳташам мактаблар, академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежлари бунёд этилди. Хусусан, 2013/2014 ўқув йилида мамлакатимизда 28 та янги касб-ҳунар коллежи қурилди, 381 умумтаълим мактаби, олий ўқув юртлари тизимидаги 45 та объект, 31 касб-ҳунар коллежи ва лицей реконструкция қилиниб, капитал таъмирланди. Ушбу масканларда ёшларнинг иқтидори юзага чиқиши, орзу-мақсадлари ижобат бўлиши учун қулай имкониятлар мавжуд. Муҳими, интилувчан ўғил-қизлар ана шундай юксак ғамхўрлик, ишонч ва эътиборни юракдан ҳис этиб, янги марралар ҳамда ютуқлар сари дадил интилмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигидан олинган маълумотларга қараганда, жорий йилда 501 234 нафар ўғил-қиз мамлакатимиздаги мавжуд 9739 та замонавий ўқув масканини битириб, таълимнинг навбатдаги босқичига йўлланма олаётир. Жумладан, 9-синф битирувчилари ўртасида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, ўқувчиларнинг 46 915 нафари академик лицейларда, 450 392 нафари эса касб-ҳунар коллежларида таҳсил олиш мақсадида эканлигини билдиришган. Умумтаълим мактаблари, мусиқа, санъат ҳамда спортга ихтисослаштирилган махсус мактаб-интернатларда сабоқ олган бу ёшларнинг қай бири билан суҳбатлашманг, улар қалбида эзгу истак ва умидлар кенг қулоч ёзаётганига амин бўласиз.

**(Давоми 4-бетда).**

# ДЕМОКРАТИК ҚАДРИЯТЛАР МЕЗОНИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида “Ўзбекистон сайлов қонунчилиги ва демократик сайлов ўтказиш бўйича халқаро стандартлар” мавзуида халқаро давра суҳбати ўтказилди.*

## ХАЛҚАРО ДАВРА СУҲБАТИ

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти билан бирга ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, Миллий демократия институти (АҚШ)нинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси кўмагида ташкил этилди.

Долзарб мавзу муҳокамасида Марказий сайлов комиссияси, ҳудудий сайлов комиссиялари аъзолари, сиёсий партиялар ва Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари, ҳуқуқшунослар, сайлов ҳуқуқи соҳаси бўйича миллий ва хорижий экспертлар, қатор давлат идоралари, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда ОАВ вакиллари қатнашди.

Давра суҳбати давомида демократик янгиланишларнинг муҳим шарти бўлган сайлов тизими жараёнларини модернизациялаш, Ўзбекистонда сайлов ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, жорий йилнинг декабрь ойида давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўлажак сайловни ташкил қилиш ва ўтказишда Марказий сайлов комиссияси, барча манфаатдор ташкилотлар олдида турган вазифалар хусусида атрофлича сўз борди.

Хусусан, муҳокамаларда сайлов қонунчилигининг долзарб масалалари, Ўзбекистонда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг ўзига хос жиҳатлари батафсил кўриб чиқилди. Қайд этилганидек, мустақиллик йилларида инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларнинг асосий мақсадига айланди. Мамлакатимизни демократик янгилаш шароитида барқарор ва изчил ривожланиб бораётган сиёсий тизим, профессионал фаолият олиб бораётган икки палатали парламент шакллантирилган, фуқаролар ва сиёсий партияларнинг давлат ҳамда жамият ишларини бошқаришда эркин ва фаол иштирок этиши учун зарур ташкилий-ҳуқуқий ҳамда моддий-техникавий асослар яратилган.

**(Давоми 3-бетда).**

# Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона барпо этиш тўғрисидаги ташаббуси жаҳон ҳамжамиятида ўзининг амалий ифодасини топди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Минтақамиз хавфсиз ривожланишининг асослари сифатида экологик ва ижтимоий-иқтисодий барқарорликка эришиш юзасидан Ўзбекистон таклифлари дунёда кенг қўллаб-қувватланмоқда. **Президент Ислом Каримов ташаббуси билан Марказий Осиёнинг беш давлати раҳбарлари 1993 йили замонамизнинг энг ҳалокатли ва кенг миқёсли экологик инқирози — Орол денгизи фожиаси оқибатларини бартараф этиш бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштириш учун Оролни қутқариш халқаро жамғармасини таъсис этдилар.**

**Шубҳа йўқки, Ўзбекистоннинг дунёда ўзининг кенг эътирофини топган ва қўллаб-қувватланган йирик халқаро ташаббуслари орасида Президент Ислом Каримов томонидан 1993 йил 28 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида илгари сурилган Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона барпо этиш тўғрисидаги ғояси алоҳида ўрин тутади.** Ўзбекистон раҳбари БМТ минбаридан туриб қуйидагиларни баён этган эди: *"Ҳозирги замон воқелиги шундайки, бир мамлакатнинг хавфсизлигини бошқа давлат ҳисобидан таъминланиши мумкин эмас. Минтақа хавфсизлигини бутун жаҳон хавфсизлиги муаммоларидан ажралган ҳолда кўриб бўлмайди. Шунга асосланиб, Ўзбекистон ядро қуролининг батамом тугатилиши учун, Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги Шартноманинг самарали ҳаракат қилиши ва унинг ҳеч бир муддатсиз узайтирилиши учун ҳаракат қилади... Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасининг ядросиз зона деб эълон қилинишининг қатъий тарафдоридир"*.

Ўзбекистон раҳбарининг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани барпо этиш бўйича даъвати минтақа давлатларининг ядросиз ривожланиш ҳамда оммавий қирғин қуролларининг назоратсиз тарқалиши таҳдидларига қарши фаол кураш йўлидаги ҳаётий манфаатларига тўла жавоб берар эди. Бу ташаббусда Марказий Осиё воқелиги, минтақадаги ва унинг атрофидаги мураккаб геосиёсий шарт-шароитлар, шунингдек, кафолатланган халқаро-ҳуқуқий таъминланиш зарурати нуқтаи назаридан бундай турдаги қуролларга эга бўлмаган Марказий Осиё давлатларининг хавфсизлиги ҳисобга олингандир. Айнан ана шу омиллар, халқаро экспертларнинг фикрича, Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари томонидан қўллаб-қувватланган Ўзбекистон ғоясининг муваффақиятли амалга ошишига хизмат қилди.

Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани барпо этиш ташаббуси қуролсизланишни халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёри сифатида мустаҳкамлаган қоидаларни ўз ичига олувчи БМТ Низомига ҳамда давлатларнинг ўзаро тинч-тотув яшаши ва қуролсизланиш тамойиллари мустаҳкамлаб қўйилган Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Хельсинки якуний актига мос келади. Ядросиз ҳудудларнинг глобал ядро қуролини тарқатмаслик тартиботининг узвий қисми сифатида барпо этилиши Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги Шартноманинг фундаментал қоидаларидан бири саналади. Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчи бўлиб 1992 йилнинг май ойида ушбу халқаро шартномага қўшилиш орқали минтақанинг бошқа давлатларига намуна кўрсатди.

Ядросиз ҳудудларнинг моҳияти шундан иборатки, уларни барпо этиш ташаббуси тегишли минтақа давлатларидан чиқиши лозим. Барпо этиш воситаси мажбурий кучга эга халқаро шартнома бўлиши лозим. Унда иштирокчи давлатлар ўзларига шартнома қўлланилиши ҳудудида ядро қуролининг буткул йўқ бўлиши юзасидан мажбуриятларни оладилар. Барпо этилаётган зонада ядровий фаолиятни текшириш ва назорат тизимининг яратилиши мавжуд бўлиши шарт бўлган элементлардан бири саналади. Шунингдек, ядросиз ҳудуд БМТ Бош Ассамблеяси томонидан ҳам эътироф этилиши жоиздир. Яна бир муҳим элемент бешта ядровий давлатнинг (АҚШ, Буюк Британия, Франция, ХХР ва Россия) "ядросиз зона мақомини ҳурмат қилиш, иштирокчи давлатларга нисбатан ядро қуролини қўлламаслик ёки уни қўллаш билан таҳдид қилмаслик" мажбурияти ҳисобланади.

Ядро қуролидан холи зоналарни шакллантириш жараёни, одатда, барча иштирокчи давлатларнинг ҳамда уларни қўллаб-қувватловчи ташкилот ва мамлакатларнинг давомли, кескин ва мақсадга йўналтирилган фаолиятини талаб қилгани ҳолда у узоқ йилларга чўзилиши мумкин. Аммо бундай саъй-ҳаракатлар натижалари, нуфузли халқаро ташкилотларнинг қатъий билдиришларича, ўзини кўп марта оқлайди, зеро, улар инсониятни оммавий қирғин қуроли тарқалишининг олдини олиш ва алалоқибатда бутун дунёда ядровий хавфсизлик таъминланиши мақсадига эришилишига яқинлаштиради.

Ҳозирги пайтгача Лотин Америкасида (1967 йилдаги Тлателолко Шартномаси), Тинч океанининг жанубий қисмида (1985 йилдаги Раротонга Шартномаси), Жануби-Шарқий Осиёда (1995 йилдаги Бангкок Шартномаси) ҳамда Африкада (1996 йилдаги Пелиндаба шартномаси) ядро қуролидан холи зоналар яратилган. Бу йўналишдаги бошқа ҳаракатлар омадли келмади. Хусусан, 1992 йилги Корея яриморолининг ядро қуролидан холи, деб эълон қилиниши ҳақидаги қўшма декларация ўз кучини йўқотди. Мана, 40 йилдирки, БМТда Яқин Шарқни оммавий қирғин қуролидан холи ҳудудга айлантириш зарурлиги тўғрисидаги самарасиз қарорлар қабул қилинмоқда.

Марказий Осиё — ядро қуролидан холи зона ғоясини ҳаётга татбиқ этиш Марказий Осиё давлатлари билан бир қаторда, ядро қуролига эга бўлган бешта мамлакатдан ҳамда БМТнинг тегишли тузилмаларидан узоқ ва оғир меҳнатни талаб этди. 1997 йил 28 февраль куни минтақанинг 5 давлати раҳбарлари Қозоғистонда бўлиб ўтган учрашувда ҳамжиҳатлик билан ядро қуролидан холи зона яратиш ҳақидаги ташаббусни қўллаб-қувватлашган ҳолда Олмаота Декларациясига имзо чекдилар. **Мазкур ҳужжат ядро қуролини тарқатмаслик йўналишида сиёсий ишонч муҳитини яратди. Айнан ўша даврдан Марказий Осиё — ядро қуролидан холи зона ғояси минтақанинг барча беш давлати ва улар ҳудудида истиқомат қиладиган халқларнинг умумий хоҳиш ва истакларини акс эттирган кенг қамровли минтақавий ташаббусга айланди.**

1997 йил 15-17 сентябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган "Марказий Осиё — ядро қуролидан холи зона" мавзуидаги халқаро конференцияда Марказий Осиё — ядро қуролидан холи зона ташаббусининг кейинги концептуал ривожланишига ҳамда унинг сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан расмийлашишига эришилди. **Форум иштирокчилари олдида нутқ сўзлар экан, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Марказий Осиё — ядро қуролидан холи зонани яратишнинг моҳияти ва йўллари тўғрисида ўз фикрларини билдирди:**

— Ядро хавфсизлигига умумий, кенг қамровли хавфсизлик, омон қолиш муаммосининг таркибий қисми сифатида қаралиши керак. Ядро қуролига эга ва эга бўлмаган давлатларнинг мажбуриятлари ўртасидаги мувозанат — ядро қуролидан холи зонанинг самарали фаолият кўрсатиши асосидир. Мен Марказий Осиёдаги ядро қуролидан холи зонанинг ишончли, мустаҳкам бўлиши, ядро қуролига эга бўлган барча давлатлар унинг мақомини эътироф этган тақдирдагина таъминланишига қатъиян аминман.

— Зонанинг барча фаолият имкониятларини ядро қуроли тарқалиши хавфининг олдини олишга сафарбар эта оладиган механизм ишлаб чиқилиши лозим. Шу мақсадда иштирокчи давлатлар халқаро миқёсда тўпланган тажрибага ҳамда бир қанча асосий тамойилларга (зона ядро қуролидан тўла равишда холи бўлиши таъминланиши лозим; унинг фаолияти кўрсатиши бўйича иштирокчи давлатларгина эмас, барча манфаатдор мамлакатлар ҳам ўз зиммаларига мажбурият олиши мумкин; ядро қуролидан холи зонанинг барпо этилиши ҳақидаги битимлар келишилган мажбуриятларга риоя этилишини таъминловчи самарали назорат тизимини ўз ичига олиши лозим; назорат МАГАТЭ ва БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши кафолати остида олиб борилиши лозим) суяниши керак.

— Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонанинг барпо этилиши ва унинг фаолият кўрсатиши — Ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги Шартнома доирасида белгилаб берилган дунё миқёсидаги ядро хавфсизлиги тизимининг ажралмас қисмидир. Айни пайтда ядровий қуролсизланиш бўйича тадбирлар билан бир қаторда оммавий қирғин қуролларининг бошқа турлари ҳам тарқалишининг олдини олишга қаратилган саъй-ҳаракатлар амалга оширилиши лозим.

— Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани яратиш масалалари ядро синовлари оқибатларини бартараф этиш, ижтимоий ва экологик муаммоларни ҳал қилиш, инсонларнинг муносиб турмушини таъминлаш билан чамбарчас боғлиқ бўлиши керак.

— Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани барпо этиш ғояси минтақавий хавфсизликни таъминлаш бўйича илгари қилинган саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давомидир.

Минтақа давлатларининг ядро қуролидан холи зонани барпо этиш бўйича фаолияти жаҳон ҳамжамияти томонидан ижобий баҳоланди ҳамда БМТ ва МАГАТЭ, шунингдек, ЕХҲТ ва Ислом ҳамкорлик ташкилоти каби бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланди. 1997 йил 9 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси минтақа давлатларининг ўз мақсади йўлидаги қатъийлигини халқаро жиҳатдан тўла қўллаб-қувватлашини кўрсатгани ҳолда 52/38S рақамли "Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани барпо этиш" резолюциясини қабул қилди. Айтиш жоизки, бундан кейин ҳам Бош Ассамблея ўз резолюцияларида доимо ва изчиллик билан минтақа мамлакатларининг ядро қуролидан холи зонани барпо этиш бўйича фаолиятини қўллаб-қувватлашини тасдиқлаб келди.

Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона шартномаси лойиҳасини ишлаб чиқишда БМТнинг Қуролсизланиш масалалари бўйича департаменти ва МАГАТЭ экспертлари фаол кўмак кўрсатишди. Марказий Осиё мамлакатлари минтақавий эксперт гуруҳларининг Женевада, Бишкекда, Тошкентда, Саппоро ва Самарқандда Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона шартномасини ишлаб чиқиш бўйича қатор учрашувлари ўтказилди. 2002 йил 27 сентябрь куни Самарқандда Шартноманинг биринчи лойиҳаси ўзаро келишилди ва кўриб чиқиш учун "Ядровий бешлик" мамлакатларига тақдим этилди.

Қайд этиш жоизки, кўплаб мамлакатлар, шу жумладан, ядровий давлатларда ҳам Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани барпо этиш ташаббусининг ҳаётга татбиқ этилиши эҳтимоли юзасидан муайян шубҳалар мавжуд эди. Бундан ташқари, ядро қуролидан холи зонани барпо этиш тўғрисидаги Шартнома лойиҳасини ишлаб чиқилиши чоғида ядро қуролига эга бўлган бешта мамлакат вакиллари ўз геосиёсий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, мазкур ҳужжатнинг алоҳида қоидалари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини ва талабларини баён қилдилар.

Шу билан бирга, ядровий давлатлар билан Шартнома матни юзасидан жадал маслаҳат учрашувлари ва музокаралар чоғида Марказий Осиё давлатлари белгиланган мақсадларга эришиш йўлида қатъият, англашилмовчиликларни енгиб ўтиш ҳамда ўз миллий манфаатларига мос келадиган ва йирик давлатлар позицияларини ҳам ҳисобга оладиган муросаларга эришиш қобилиятини намоён этдилар.

Минтақавий эксперт гуруҳининг 2005 йил 7-9 февраль кунлари Тошкентда бўлиб ўтган еттинчи учрашувида ядровий давлатлар, МАГАТЭ ва БМТ Ҳуқуқий масалалар бўйича департаментининг таклиф ва мулоҳазаларини ҳисобга олган ҳолда, минтақа мамлакатларининг Шартнома матни бўйича якдил позицияси келишиб олинди. **Тошкент баённотининг матни БМТ Хавфсизлик Кенгаши ва Бош Ассамблеянинг 59-сессиясида расмий ҳужжати сифатида тарқатилди.**

Ушбу саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, охир-оқибатда **Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани барпо этиш тўғрисидаги Шартнома минтақа давлатлари томонидан 2006 йилнинг 8 сентябрида Семипалатинск шаҳрида имзоланди.** Мазкур ҳужжат имзоланишининг рамзий аҳамияти бор. Маълумки, "совуқ уруш" йилларида ҳарбий тенгликни таъминлаш сиёсати доирасида Семипалатинск полигонида 459 та ядро қуроли портлаши ўтказилган, Қозоғистон узоқ давом этган ядровий портлашлардан ниҳоятда катта зарар кўрган ва бундай сиёсат миллионлаб қозоғистонликларнинг ҳаёти ва саломатлиги ҳисобидан олиб борилган эди.

Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани барпо этиш ҳақидаги тарихий шартноманинг имзоланиши БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қўллаб-қувватланди. Бош Ассамблея 2006 йилнинг 6 декабрь куни 61/88 сонли "Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани барпо этиш" номли минтақа давлатлари номидан Ўзбекистон тақдим этган махсус резолюцияни қабул қилди. **Бош Ассамблея Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани барпо этиш тўғрисидаги Шартномани минтақавий ҳамда халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадам сифатида эътироф этди.**

Ўзбекистон минтақа мамлакатлари орасида биринчи бўлиб Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани барпо этиш ҳақидаги Шартномани 2007 йил 10 май куни ратификация қилди. **Шартнома 2009 йил 21 мартда минтақанинг қолган барча давлатлари томонидан ратификация қилинганидан сўнг кучга кирди**.

**Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани барпо этиш ҳақидаги Шартнома бешта ядровий давлат томонидан Хавфсизлик кафолатлари тўғрисидаги протоколнинг имзоланиши билан узил-кесил халқаро-ҳуқуқий жиҳатдан расмийлашди**. Протокол 2014 йилнинг 6 май куни БМТнинг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги Шартноманинг Умумлаштирувчи конференцияси Тайёргарлик қўмитасининг Учинчи сессияси чоғида имзоланди. **Шу муносабат билан БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг махсус баёнотида таъкидланишича, АҚШ, Буюк Британия, Франция, ХХР ва Россия Марказий Осиёдаги ядросиз ҳудуд мақомини ҳурмат қилиш ва унга риоя этиш, шунингдек, минтақа мамлакатларига нисбатан ядро қуролини қўлламаслик ва уни қўллаш билан таҳдид қилмаслик мажбуриятини олдилар. БМТ қуролсизланиш масалалари бўйича Юқори вакили Ангела Кейн қайд этганидек, "Кафолатлар тўғрисидаги Протоколнинг имзоланиши Марказий Осиёдаги минтақавий хавфсизликнинг ҳам, ядро қуролини тарқатмасликнинг глобал тартиботини ҳам мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим босқич бўлди". АҚШ давлат котибининг халқаро хавфсизлик ва ядро қуролини тарқатмаслик масалалари бўйича ёрдамчиси Т. Кантримен АҚШнинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани барпо этиш тўғрисидаги Шартномага Хавфсизлик кафолатлари ҳақидаги Протоколни имзолаши "Марказий Осиё давлатлари томонидан ушбу минтақани ядро қуролидан холи ҳудуд сифатида сақлаб қолиш бўйича амалга оширилган самимий ва юксак таҳсинга сазовор саъй-ҳаракатларнинг эътирофидир"**, дея баёнот берди. Бошқа ядровий давлатлар вакиллари ҳам Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона барпо этилишига "Халқаро ядро қуролини тарқатмаслик тартиботининг пойдевори" ҳамда минтақадаги тинчлик ва хавфсизликни таъминлашнинг муҳим омили сифатида юксак баҳо бердилар.

Шартнома муддати белгиланмаган характерга эга. У 18 та моддадан, Хавфсизлик кафолатлари тўғрисидаги Протокол ҳамда унинг қоидаларига амал қилиш масалаларини кўриб чиқиш учун маслаҳат учрашувлари ўтказиш процедураларининг Қоидаларидан иборат.

**Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани барпо этиш тўғрисидаги Шартномага кўра, Марказий Осиё давлатлари ўзларига қуйидаги асосий мажбуриятларни олганлар:** тадқиқотлар ўтказмаслик, ҳар қандай ядровий қурол ёки бошқа ядровий портлаш ускунасини ишлаб чиқмаслик, уни ишлаб чиқармаслик, захираларини тўпламаслик ёки бошқа усуллар билан қўлга киритмаслик, эгалик қилмаслик ёки унинг устидан назоратни амалга оширмаслик; ўз ҳудудида ядро қуроли ёки бошқа ядровий портлаш ускунасининг, унинг кимга тегишлилигидан қатъи назар, ишлаб чиқарилиши, қўлга киритилиши, жойлаштирилиши, сақланиши ёки қўлланилишига йўл қўймаслик.

**Марказий Осиёдаги ядро қуролидан холи зона уни дунёда мавжуд барча ядросиз ҳудудлар орасидан ажратиб турадиган қатор беқиёс жиҳатларга эгадир**:

**Биринчидан**, Марказий Осиё ядро қуролидан холи зона — Шимолий Яримшарда, тўлалигича қуруқлик билан ўралган ва денгизларга чиқиш йўлига эга бўлмаган ҳудудда барпо этилган илк ядро қуролидан холи ҳудуддир. Марказий Осиё зонаси Россия ва Хитой сингари ядро қуролига эга икки давлат билан бевосита чегарадошдир. Бундан ташқари, у дефакто ядро қуролига эга бўлган икки мамлакат — Ҳиндистон ва Покистон билан ҳам ёнма-ён жойлашган.

**Иккинчидан**, бу илгари ядро қуроли мавжуд бўлган ва унинг синовлари ўтказилган минтақада барпо этилган биринчи ядросиз ҳудуд бўлиб, Марказий Осиёда истиқомат қилаётган одамлар мазкур синовларнинг оқибатларини ҳозирги кунга қадар ҳис қилишади. Шу маънода, ядро қуролидан холи зона тўғрисидаги шартномада экология ва радиация хавфсизлигини таъминлаш, ўтмишда собиқ Совет Иттифоқи ядро мажмуаси объектларининг фаолияти туфайли жиддий зарар кўрган атроф-муҳитни тиклаш борасида тадбирлар ўтказишга доир қоидаларга муҳим эътибор қаратилади. Шартнома ядро қуроллари ва бошқа ядровий портлаш ускуналари синовларини, шунингдек, минтақа мамлакатлари ҳудудида бошқа давлатлар радиоактив чиқиндиларининг кўмилишини тақиқлайди.

**Учинчидан**, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани барпо этиш ҳақидаги Шартнома ядросиз ҳудудлар тўғрисидаги ҳужжатлар ичида ўзининг барча иштирокчиларини битим кучга киргандан сўнг 18 ой мобайнида МАГАТЭ билан Кафолатлар тўғрисида Қўшимча протоколни тузиш ҳамда Ядро синовларини буткул тақиқлаш тўғрисидаги шартнома бўйича мажбуриятларни тўлалигича бажариш юзасидан мажбуриятни юклайдиган илк ҳужжатдир. Мазкур шартнома МАГАТЭнинг юқорида кўрсатилган протоколи ишлаб чиқилгандан кейин ҳамда барча Марказий Осиё давлатлари ратификация қилган Ядро синовларини буткул тақиқлаш тўғрисидаги шартнома имзоланганидан сўнг тузилган ана шундай ҳужжатлар орасида биринчиси бўлди.

**Тўртинчидан**, Марказий Осиё ядро қуролидан холи зонаси минтақавий хавфсизликнинг янги элементини яратиб, у терроризмга қарши кураш ҳамда ядровий материаллар ва технологияларнинг нодавлат субъектлар, энг аввало, террорчилар қўлига тушишининг олдини олишни таъминлайди. Моҳиятан, ядро қуролидан холи зона ҳақидаги Ўзбекистон ташаббусининг амалга оширилиши Хавфсизлик Кенгашининг 2004 йилдаги 1540-резолюциясини бажариш йўлидаги муҳим қадам бўлиб, мазкур резолюция ҳукуматларга ядровий, кимёвий ва биологик қуроллар ҳамда уларнинг террорчилар томонидан ташиш воситаларининг қўлга киритилиши, тарқатилиши ва қўлланилишининг олдини олиш юзасидан мажбуриятларни юклайди.

Аммо Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона тўғрисидаги Шартноманинг ўзига хос жиҳати унинг кенг қамровли ва мажмуавий хусусиятида акс этади. У халқаро хавфсизликнинг ядро қуроли ва уни яратиш компонентларини тарқатмаслик, Ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги шартнома режимини мустаҳкамлаш, ядровий қуролсизланиш ва демилитаризация, ҳудудларнинг экологик тикланишида ҳамкорлик, терроризмга қарши кураш, минтақавий ва халқаро тинчлик ҳамда хавфсизликни мустаҳкамлаш сингари муҳим йўналишларини ўз ичига олади.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона тўғрисидаги Шартнома Марказий Осиёнинг барча беш давлатини қамраб оладиган хавфсизлик соҳасидаги биринчи кўп томонлама битим бўлди. Ядро қуролисиз ҳудудни яратиш жараёнида Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон қатъий сиёсий ирода, конструктивликни, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, ўз халқларининг тараққиёти ва равнақи учун зарурий шарт-шароитларни яратиш йўлида саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга қодирликларини намоён этдилар.

Айнан шу сабабли Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани барпо этиш юзасидан ташаббусининг амалга оширилиши бутун дунёда тинчлик, минтақавий барқарорлик ҳамда минтақа мамлакатлари ва йирик давлатларнинг сермаҳсул ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган муҳим омил, дунё ҳамжамиятининг изчил ривожига жамоавий улуш ва, албатта, халқаро хавфсизлик ҳамда ядровий қуролсизланишни мустаҳкамлашнинг энг муҳим элементи сифатида юксак баҳо ва эътирофга сазовор бўлди.

**«Жаҳон» АА.**

## Латвия Президенти Андрис Берзиньш:

# «БИЗНИНГ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИМИЗ УЗОҚ МУДДАТЛИДИР»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

*— Мана, 20 йилдан ортиқ давр давомида Ўзбекистон демократияга содиқ қолгани ҳолда, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш институтларини ривожлантириб, кўп асрлик ўзига хос бўлган анъаналарни авайлаб асраб, ўз йўлидан бормоқда. Бу йўл Латвияда қандай қабул қилинаётир? Сизнингча, ҳамкорликнинг қайси йўналишлари энг истиқболли ҳисобланади?*

— Президент Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон оқилона, вазмин ҳамда чуқур ўйланган ички ва ташқи сиёсат олиб бормоқда. Ўзининг ривожланиш йўли асосида тобора олға қараб одимлар экан, муқаррар муваффақиятларни қўлга киритмоқда. Биз буни қутлаймиз. Ўз навбатида, бизда ҳам 24 йил давомида мамлакатимизни ривожлантириш бўйича орттирган жуда яхши тажриба бор, албатта. Бу тажрибага, айниқса, парламентаризмни ривожлантириш тажрибасига Иккинчи жаҳон урушидан олдин асос солинган эди. Асосий Қонунимиз — 1918 йили қабул қилинган Конституциямиз барқарор асослар барқарор ривожланишга олиб келишини тасдиқлайди. Биз Ўзбекистонда бу борада кучли анъаналар аллақачон мавжуд эканлигини биламиз.

Бизда Европа Иттифоқига кириш тажрибаси бор. Ҳозир у ерда 28 та давлат биргаликда — чегараларсиз, Шенген ҳудуди давлатлари божхона хизматларида ҳеч бир чекловларсиз ишлашмоқда. Ўзбекистоннинг жадал иқтисодий ўсиши ва улкан табиий ресурслари мавжудлиги, ижобий жуғрофий ўзига хослиги шароитида — буларнинг барчаси керакдир. Менинг назаримда, мамлакатларимиз ўртасида гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний тарқатилишига қарши кураш йўналишидаги ҳамкорлик ҳам жуда муҳим ҳисобланади. Латвия ҳам бунинг жиддийлигини ҳис қилади. Ана шундай тажриба жуда зарур ва бу бизнинг музокараларимизнинг мавзуларидан бири бўлади.

Латвиянинг аъзо мамлакат сифатида Европа Иттифоқидаги иштироки Ўзбекистоннинг демократия йўлида муҳим роль ўйнайди ва ишончим комилки, бундан-да янада каттароқ роль ўйнайди. Айниқса, бугунги кунда бизнинг ўзаро иқтисодий алоқаларимиз тобора ривожланиб бораётганидан келиб чиқсак, бу аён бўлади. Шунингдек, муносабатларимизга ташриф арафасида тайёрланган қарорлар ҳам янги туртки беради. Улар маданий соҳага ҳам тегишли. Ҳаммаси бир-бири билан боғлиқдир. Одамлар, халқлар ўртасида алоқалар қанча кўп бўлса, шунча яхши.

Транзит имкониятларини таъминлаш, янги технологияларга бўлган қизиқиш, фармацевтика, озиқ-овқат саноати, ёғочни қайта ишлаш ва қурилиш иқтисодий ҳамкорликнинг устувор ва долзарб йўналишларидан ҳисобланади. Шунингдек, бизнес, божхона ва солиқлар ҳам. Муваффақиятли сиёсий мулоқот, минтақавий истиқбол ва ўзаро тўғри тушуниш ҳамкорлик соҳаларини кенгайтириш учун асосли омил бўлади. Ўзбекистон бундан кейин ҳам мамлакатимизнинг транспорт ва логистика инфратизими имкониятларидан фойдаланиши мумкинки, улар маҳсулотларингизнинг Европа бозорларига экспортини кенгайтириш учун устқурма бўлиб қолади. Бу йўналишларнинг барчаси аниқ белгилаб олинган, ҳамкорлигимиз аллақачондан буён мавжуд ва у, ишончим комилки, олдинга қараб одимлайверади.

*— Замонавий Ўзбекистон — тарихи, маданиятининг илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақаладиган мамлакат бўлиб, бутун дунёдан, жумладан, Латвиядан ҳам борган сари янада кўплаб сайёҳларни ўзига жалб этмоқда. Биз бундан 10 йил муқаддам Ригада бутун дунёга машҳур олим, астроном Мирзо Улуғбек ҳайкали очилганини эслаймиз. Яна бир бошқа мисол: Тошкент ва Рига — биродарлашган шаҳарлар. Ўтган йили Ригада Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъати усталарининг кўргазмаси бўлиб ўтди. Латвиялик қўшиқчи Диана Пирагс ва ёш мусиқачилар гуруҳи Самарқандда ЮНЕСКО шафелигида ўтказиладиган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида ўз чиқишлари билан иштирок этди. Булар мамлакатларимиз ўртасидаги кенг қамровли икки томонлама маданий-гуманитар ҳамкорликнинг биргина бўлаги холос...*

— Шу маънода, делегациямиз таркибида маданият ва санъат арбоблари борлиги, ишончим комилки, бу борадаги муносабатларимизни сезиларли даражада тўлдиради. Бизларни бирдек тўйинтирадиган, бойитадиган жиҳат — маданият эканлигига аминман.

Ўзбекистонга ташрифим давомида Самарқандда юрмалаликлар ҳозирлашаётган Латвия рассомлари кўргазмасининг расмий очилиш маросимида қатнашишни режалаштираяпман. Шарқнинг кўҳна дурдонаси — Самарқанд ва бизнинг курорт шаҳримиз Юрмала ўртасида ўзаро муносабатларнинг ўрнатилиши ҳам бир-биримиз билан яқинлашувимиз йўлидаги салмоқли қадамдир, деб ўйлайман.

Умуман, хулоса тариқасида шуни яна бир карра таъкидлашни истар эдимки, Ўзбекистон Латвия учун Марказий Осиёдаги жуда муҳим шерик ҳисобланади. Ўзбекистон ўзини ишончли ва масъулиятли халқаро шерик сифатида намоён қилди. Биз унинг Марказий Осиёда фаровонликни ва тинчликни мустаҳкамлашдаги ўрнини юқори баҳолаймиз. Шуни айтишим жоизки, бизнинг Ўзбекистон билан самимий муносабатларимиз узоқ муддатлидир.

**«Жаҳон» АА.**

# МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИ — БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ МУҲИМ ТАЯНЧИ

*Урганч шаҳрида “Маҳалла” хайрия жамоат фонди томонидан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳамда Марказий Осиё ва Кавказ давлатларини ўрганиш институти (Япония) ҳамкорлигида “Баркамол авлодни тарбиялашда маҳалла институтининг роли” мавзуида халқаро илмий-амалий давра суҳбати ўтказилди.*

## КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Мазкур тадбир Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳамда “Соғлом бола йили” Давлат дастурида кўзда тутилган устувор вазифалар ижроси, хусусан, маҳалла институтини ривожлантириш, ёшларни ҳар томонлама баркамол инсонлар сифатида вояга етказишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини янада ошириш, бу борадаги тажрибаларни ўртоқлашиш мақсадида уюштирилди. Унда Япония, Жанубий Корея, АҚШ, Германия, Франция, Россия каби мамлакатлардан ташриф буюрган олим ва экспертлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда Халқ таълими вазирликлари, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, “Камолот” ЁИҲ, бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, илмий тадқиқот институтлари экспертлари, маҳалла фаоллари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Эътироф этилганидек, истиқлол йилларида мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, уларни миллий урф-одат, анъана ҳамда қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, спорт билан шуғулланишлари ва замонавий касб-ҳунарни эгаллашга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка жалб этиш, оилалар, айниқса, ёш оилаларнинг муаммоларини ўз вақтида ҳал қилиш, уларнинг манфаатларини қонун йўли билан ҳимоялашда фуқаролар йиғинларининг таъсири тобора ошиб бормоқда.

Хусусан, улар томонидан ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган хайрли ишлар рўёбга чиқарилаётир. Айни чоғда “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ва юртимиздаги мавжуд 10 мингга яқин фуқаролар йиғинларининг ёшларни миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, жисмонан соғлом ва маънавий етук авлодни камолга етказиш, ўзлигимизга ёт бўлган зарарли таъсирлардан ҳимоялаш борасидаги аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Бунда, албатта, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилгани ва замонга мос равишда такомиллаштириб борилаётгани муҳим омил бўлмоқда. Жумладан, Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда “Соғлом бола йили” Давлат дастури бу йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтарди.

Мазкур ҳужжатларда белгиланган кенг қамровли вазифаларни муваффақиятли адо этишда “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, унинг ҳудудий тузилмалари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари алоҳида ўринга эга. Шу йўналишлардаги ишлар, хусусан, маҳалланинг бу борадаги фаолияти хорижлик экспертлар томонидан катта қизиқиш билан ўрганилди.

Анжуман иштирокчилари оналик ва болаликни муҳофазалаш, уларнинг соғлиғи ва репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, оилаларда тиббий маданиятни ошириш, ҳар томонлама баркамол авлодни камолга етказиш учун барча шарт-шароитни яратиш, уларда эркин фикрлаш кўникмасини шакллантириш, миллий анъана ва урф-одатлар асосида болаларни она-Ватан ҳамда истиқлол ғояларига муҳаббат ҳамда садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда ҳам маҳалла институти, хусусан, фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги жамоатчилик комиссияларининг роли юқори эканлигини алоҳида таъкидлашди.

Ёшларни таълим ва спортга жалб этиш орқали улар ўртасида турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ота-оналарнинг фарзанд тарбияси бўйича ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий билимини ошириш мақсадида фуқаролар йиғинлари ҳузурида “Ота-оналар университети” ташкил этилиб, уларга аҳоли орасида ҳурмат-эътибор қозонган кишилар жалб қилинган. “Оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлигида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳам бугун оилаларда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, фарзанд тарбиясида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мактаблар, коллежлар, академик лицейлар, маҳалла гузарларидаги спорт заллари, майдончалари ва иншоотларида оилавий спорт ҳамда ижодий тўгараклар ташкил этиш учун жорий йилда 400 миллион сўм ва маҳаллаларда замонавий болалар майдончаларининг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда қуриш бўйича Фонд ҳисобидан 2 миллиард сўм сарфланиши кўзда тутилгани ҳам ёшлар камолоти йўлида амалга ошириладиган ишлар кўлами кенглигини кўрсатади.

2013 йил якунларига кўра, маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларни спортга кенг жалб этиш мақсадида “Футболимиз келажаги” ва “Маҳалламиз паҳлавонлари” спорт мусобақалари уюшқоқлик билан ўтказилди. Уларга 2 миллиондан зиёд ёшлар қамраб олинди. “Маҳаллам тарихини ўрганаман” кўрик-танлови эса ёшларнинг миллий қадриятларимиз, хусусан, ўзларининг маҳалласи тарихи, яшаш тарзи ва турмуш маданиятини чуқур ўрганишда муҳим омил бўлиб хизмат қилаяпти.

Бундан ташқари, маҳаллаларда 372 та болалар майдончаси қурилди, 902 таси таъмирдан чиқарилди, 1203 та майдончада эса ободонлаштириш ишлари бажарилди.

Халқаро экспертлар маҳаллаларда изчил йўлга қўйилган жамоатчилик назорати пировард натижада ёшларни миллий урф-одатларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ва уларни оммавий маданиятнинг салбий таъсирларидан ҳимоя қилишда ҳал қилувчи аҳамият касб этаётганлигини юқори баҳолашди.

Жамоатчилик назорати “Оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлигини янада ривожлантириш, 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига йўналтириш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлашда, айниқса, яққол намоён бўлаётир. Ана шу мақсадда республикамиз маҳаллаларида йиғин раислари бошчилигида “Камолот” ЁИҲ, Хотин-қизлар қўмитасининг бошланғич ташкилотлари вакиллари ва бошқа ҳамкор ташкилотларнинг масъул ходимларидан таркиб топган 8 мингдан ортиқ жамоатчилик гуруҳлари тузилган. Бу эса ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда ҳудудлар осойишталигини мустаҳкамлаш, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда қўл келмоқда.

Анжуман доирасида “Ўзбекистонда маҳалла институти: тарихий тажриба ва замонавийлик” номли ҳужжатли фильм намойиш этилди ҳамда “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” номли китоб тақдимоти ўтказилди.

Халқаро анжуман доирасида иштирокчилар Хонқа туманидаги Ойдин ҳаёт маҳалласи ҳамда Урганч шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактабига ташриф буюриб, яратилган шарт-шароитлар ҳамда уларнинг иш фаолияти, шунингдек, Хива шаҳридаги Маъмун академияси музейи ва Ичан қалъа обидалари билан яқиндан танишдилар.

## Сўз — халқаро давра суҳбати иштирокчиларига

**Тецуджи ТАНАКА,**
**Марказий Осиё ва Кавказ давлатларини ўрганиш институти ижрочи директори (Япония):**



— Мамлакатингизда амалга оширилаётган “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” стратегияси замирида кеча ва бугунни ўзида мужассам этган ҳаётий тамойиллар ўз ифодасини топган. Унинг моҳиятида аҳолининг турли ижтимоий гуруҳ ва қатламлари манфаатларини ўзида ифода этган мустақил, барқарор нодавлат нотижорат ташкилотлари, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари эркинлиги назарда тутилган. Бунинг учун пухта меъёрий-ҳуқуқий асос яратилгани, хусусан, ўзингизга хос “маҳалла” тушунчаси Конституциянгизда ўз ифодасини топгани таҳсинга лойиқ.

Маҳалла — бу азалдан мавжуд бўлиб, бугунги кунда анъаналар ва қадриятларга асосланган демократик институтга айланган. Ушбу ноёб тузилма ёшларнинг камол топишида катта таъсирга эга. Тасаввур қилинг: маҳалладаги ҳар бир ўғил-қиз жамоатчилик назорати остида бўлади. Керак пайтда уларга ўгит ва панд-насиҳат берилади. Шу маънода, унинг ёш авлодни қўллаб-қувватлаш ва тарбиялаш борасидаги ролини бошқа ҳеч бир тузилма билан қиёслаб бўлмайди.

Тадбир доирасида маҳалла фаоллари, ўқитувчилар ва ёшлар билан суҳбатлашдик. Ёшларингиз одобли ва истеъдодли.

Қисқача айтганда, маҳалла халқнинг маънавий ҳамда маданий қадриятларини сақлаш ва ривожлантиришда, шу билан бирга, мамлакатни модернизациялашда пойдевор бўлиб хизмат қилади.

**Канг Бонг КУ,**
**Ханянг университети қошидаги Осиё — Тинч океани тадқиқотлари институти профессори (Жанубий Корея):**

— Ўзбекистон аҳолининг ҳаёт даражасини ошириш, таълим ва тиббий хизматларнинг сифатини яхшилаш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва спорт билан шуғулланишларини таъминлаш соҳасида улкан тажрибага эга.



Энг муҳими, маҳаллаларда, замонавий лицей ва коллежларда биз ўзига ишонган, миллий ва маданий бойликларга, халқингиз тарихига, жаҳон цивилизацияси қадриятларига ҳурмат ҳисси ривожланган ёшларни учратдик. Уларнинг чуқур билим олишга, ўз мамлакатининг муносиб фуқароси бўлишга, унинг ривожланишига ҳисса қўшишга ҳаракат қилаётганликларини кузатдик.

Анжуманда ўзбек маҳалласи фаолияти, хусусан, унинг мамлакат эртаси ҳисобланган ёшларни баркамол инсонлар қилиб улғайтириш борасидаги бой тажрибаси билан танишдик.

**Парвиз МОРВИЖ,**
**Нью-Йорк давлат университети профессори:**



— Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ўтмиши ҳар бир мамлакатда ўзига хос бўлиб, бу Ўзбекистонда ўзгачадир. Мажозий маънода айтганда, маҳаллани кўп қиррали қимматбаҳо тошга қиёслаш мумкин. Чиндан ҳам шундай. Бугун маҳалла томонидан 30 дан зиёд ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги вазифалар муваффақиятли ҳал этиб келинмоқда. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашдан тортиб, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маҳаллий давлат ҳокимияти бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш ва яна кўплаб масалалар ушбу масканда амалга оширилади, деса, баъзи кишилар ишонмаслиги мумкин. Аммо амалда шундай.

Ўзбек маҳалласини бир неча йиллардан буён қизиқиш билан ўрганиб келаман. Ана шу тадқиқотлар натижасида бир хулосага келдим, яъни ҳақиқий демократия анъаналари маҳалла фаолиятида ўз ифодасини топган. Шунинг ўзиёқ Ўзбекистон демократик жамиятни ривожлантириш йўлидан дадил бораётганининг яққол далили, деб ҳисоблайман.

Ушбу ноёб институтни ўрганиш ва тажрибасини оммалаштириш мақсадга мувофиқ. Маҳалла мисолида биз ўзбек халқининг тафаккури ҳамда ҳаёт тарзига инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қадриятлари сингиб бораётганлигини кўрдик. Ўзбекистонда ижтимоий соҳада пухта ўйланган сиёсат олиб борилмоқда, инсон ҳуқуқлари, хусусан, ушбу каломнинг тўлиқ маънода амалга оширилиши таъминланмоқда. Бу ташаббусларнинг марказида фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаб келаётган маҳалла туради.

**Юлия ЗУБОК,**
**Россия фанлар академияси Ижтимоий-сиёсий тадқиқотлар институти бўлим мудири:**



— Ҳар бир давлат учун ёшлар тарбияси ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу борада Ўзбекистонда тўпланган тажриба, айниқса, диққатга сазовор. Таълим муассасасидан ташқари, яна бир тарбия маскани — маҳалла институти борки, унинг ўрнини бошқа ҳеч бир тизим боса олмайди. Бу ерда ўспирин йигит ёки қиз доим маҳалла жамоатчилиги назоратида бўлади. Бундан ташқари, оила, маҳалла ва таълим муассасаси ўртасида йўлга қўйилган ўзаро ҳамкорлик ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиши баробарида, уларнинг турли зарарли йўлларга кириб кетишининг олдини олмоқда. Муҳими, бу тажриба амалда ўзини тўла оқлаяпти.

Маҳалла анъаналарга ва замонавий жамиятни қуришга асосланган, айни чоғда ёшларга оид давлат сиёсати механизмларини амалга ошириш орқали ижобий ютуқларга эришишни таъминлаётган Ўзбекистоннинг ўзига хос ноёб тажрибасидир. Кўпчилик давлатларда ёшлар биқиқлашмоқда, ёши катталарни ҳурмат қилиш йўқолмоқда, миллий маданий қадриятлардан ўзларини четга олаяпти, авлодлар ўртасида узилиш кузатилаётир. Шу боис ҳам маънавий нуқтаи назардан халқингиз ижобий ютуқларга эришмоқда, ёшларни жамиятга ижтимоийлаштириш таъминланаяпти. Маҳаллаларда ота-оналар, кекса кишилар ҳамда қўни-қўшнилар ҳурмати юқори бўлиб, ушбу тажрибани бошқа давлатлар ҳам ўрганиши зарур.

**Тьерри МАРИАНИ,**
**Франция Миллий ассамблеяси депутати, “Франция — Ўзбекистон” дўстлик гуруҳи раҳбари ўринбосари:**



— Маҳалла халқингизнинг катта бойлиги. Бу гапни бежиз айтаётганим йўқ. Маҳалла институти фаолиятини таҳлил қилиш асносида шу хулосага келдим. Бирор муаммо бўлса, дарҳол маҳаллага чиқасиз. Маҳалла фаоллари эса бу борада сизга яқиндан ёрдам беради. Буни ёшлар тарбияси йўналишида олиб борилаётган ишлар мисолида янада ёрқин тасаввур қилиш мумкин. Бола мактабдан келгач, ҳудуддаги фан ва спорт тўгаракларига жалб этилади, бўш вақтини мазмунли ўтказади. Муҳими, ёмон иллатлар таъсирига тушиб қолмайди.

Шу мақсадда “Оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлик механизми йўлга қўйилгани, “Ота-оналар университетлари” ташкил этилгани менда илиқ таассурот қолдирди. Менингча, жамоатчилик кўз ўнгида улғайган бола келажакда, албатта, яхши инсон бўлиб камолга етади.

Маҳалла Ўзбекистонда бошқарув соҳасини ривожлантириш, аҳолининг маҳаллий аҳамиятга эга масалаларини ҳал этишда муҳим ўрин эгаллайди. Бу ҳолат умумдавлат ва ҳудудий дастурларнинг самарали амалга оширилишини таъминлаш, фуқароларнинг қарорлар қабул қилиш жараёнида фаол қатнашишига имконият яратади.

Шулардан келиб чиқиб, маҳалла институтини ҳар томонлама ўрганиш, керак бўлса, унинг илғор тажрибасини дунёга ёйиш зарур, деб ўйлайман.

**Владимир ЧУПРОВ,**
**Россия фанлар академияси Ижтимоий-сиёсий тадқиқотлар институти бош илмий ходими:**



— Ғарб давлатларида, шу жумладан, бизда биқиқлик кучли бўлиб, бу кўп ҳолларда инсоннинг ёлғизланишига олиб келади. Аниқроқ айтадиган бўлсак, киши бирон муаммога дуч келганда, уни фақат ўзи ҳал этиши керак бўлади, унга ҳеч ким ёрдамга келмайди. Сизларда эса мутлақо бошқача, яъни ҳар бир инсоннинг яхши кунида ҳам, ёмон кунида ҳам ёнида турадиган одамлар — маҳалла фаоллари бор. Маҳалла биргина ана шу жиҳати билан ҳам ўрганишга муносиб институт, деб ҳисоблайман.

Дунёдаги аксарият давлатларни ташвишга солаётган яна бир долзарб масала — ёшларнинг таълим-тарбияси, яъни уларнинг қандай инсон бўлиб камолга етишларидир. Зеро, бугунги ёшлар эртага шу халқнинг тақдирини белгилайди. Юртингизда ушбу масала ҳам изчиллик билан ҳал этилмоқда. “Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она”, деган тамойил асосида ёшлар тарбиясида нафақат таълим даргоҳлари, шу билан бирга, маҳалла институти ҳам фаоллик кўрсатаётгани ўрганишга арзийдиган тажрибадир.

Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини ўрганиш жараёнида мен қуйидаги хулосаларга келдим. Биринчидан, сизларнинг жамиятингиздаги ижтимоий-руҳий муҳит, муҳими, ёшлардаги инсонпарварлик, самимийлик ва ўз келажагига бўлган ишонч мени ҳайратда қолдирди. Шу билан бирга, баркамол авлодни тарбиялаш масалаларига, таълимнинг тарбия билан узвий боғлиқлигини таъминлашга катта эътибор берилмоқда.

Умуман, халқаро давра суҳбати иштирокчилари жисмонан соғлом, маънан етук авлодни вояга етказишда Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш бошқа давлатлар учун фойдали эканини якдиллик билан эътироф этдилар. Муҳими, кўплаб халқаро экспертлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллаларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни, хусусан, ҳар томонлама ривожланган, баркамол авлод тарбиясидаги фаолиятини юқори баҳолашди. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари “соғлом бола” деган ғоянинг жамият ҳаётидаги амалий ифодасини қарор топтиришда муҳим ўрин тутмоқда, деган фикрга келдилар.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# ДЕМОКРАТИК ҚАДРИЯТЛАР МЕЗОНИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Анжуман қатнашчилари эътироф этганларидек, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари тизимида сайлов институти муҳим ўрин тутади. Зеро, улар бевосита ёки ўз вакиллари орқали мамлакатимиз ҳаётида иштирок этишади. Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилганидек, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Асосий Қонунимиз билан фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи, овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Сайловлар умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади.

Тадбир давомида таъкидланганидек, сайловларни очиқлик ва ошкоралик асосида қонун талабларига тўла мувофиқ ҳолда ташкил қилиш ва ўтказишни таъминлаб келаётган мустақил сайлов комиссияларининг фаолият кўрсатиши миллий сайлов тизимининг ўзига хос жиҳати ҳисобланади.

Мамлакатни модернизация қилиш ва демократик янгилашнинг муҳим омили бўлган сайлов тизими изчил ривожлантирилиб борилмоқда. Амалиёт, Ўзбекистонда тўпланган тажриба сайлов жараёнларини янада демократлаштириш заруратини тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси сайлов қонунчилигини такомиллаштиришда янги босқични бошлаб берди. Концепция асосида сайлов қонунчилигига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Аввало, “сайловолди ташвиқоти” тушунчасига аниқ таъриф берилди, бундай ташвиқот турлари, уни олиб боришга рухсат этилган шакл ҳамда усуллар, сайловолди ташвиқотини нафақат сайлов куни, балки овоз бериш бошланишидан бир кун олдин ҳам олиб бориш мумкин эмаслиги, муддатидан олдин овоз бериш муддатлари, тартиби ва принциплари аниқ кўрсатиб ўтилди. Жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари тахминларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этиш тартибига дахлдор қоидалар ўз ифодасини топди. Ўзбекистон экологик ҳаракатининг Қонунчилик палатаси депутатларини сайлаш бўйича конференциясида кузатувчиларнинг иштирок этиш ҳуқуқини белгилаб берадиган меъёр киритилди. Қамоқда сақлаш жойларида сайлов участкаларини ташкил қилиш имконияти кўзда тутилган. Сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар сайлов тизимини янада либераллаштиришга, унинг очиқлигини мустаҳкамлашга, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ва мустақил билдиришлари учун мавжуд механизмларни такомиллаштиришга имкон беради.

Жорий йилнинг апрель ойида Президентимиз ташаббуси билан “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)”ги Қонун қабул қилинди. Қонун фаолиятининг асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, адолатлиликдан иборат бўлган Марказий сайлов комиссияси мақомини конституциявий мустаҳкамлаб қўйиши сайловнинг демократия тамойилларига мослигини, очиқлигини ва ошкоралигини, унинг қонунийлигини таъминлашнинг муҳим кафолати ҳисобланади.

Жорий йилнинг 12 май куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастурини тасдиқлади. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлажак сайловлар сайлов жараёнининг барча иштирокчилари томонидан қонунчилик талаблари ва халқаро стандартларга тўлиқ риоя этган ҳолда миллий сайлов тизимининг демократиклигини яна бир карра намоён этишга даъват этилган.

Экспертларнинг фикрича, Ўзбекистонда бўлажак сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказишнинг қонунчилик талабларига ҳамда халқаро сайлов стандартларига тўла мувофиқ равишда юксак демократик даражада ўтишини таъминлаш учун барча ҳуқуқий шароитлар яратилган. Фуқароларнинг сайлов жараёни борасидаги ижтимоий-сиёсий фаоллиги Ўзбекистон халқининг ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуриш бўйича танлаган йўлига содиқлигининг ёрқин далилидир.

Тадбир якунида сайлов жараёнини такомиллаштириш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар қабул қилинди.

**Қобил ХИДИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Сўз — анжуман қатнашчиларига

**Ми Сун ОК,**
**Сайлов органлари бутунжаҳон ассоциацияси котибияти бўлими бош директори:**

— Давра суҳбатининг мавзуси Корея Республикаси учун ҳам долзарб ҳисобланади. Сайлов тизимимизнинг, ҳуқуқни қўллаш амалиётимизнинг ўзаро ўхшаш тарафлари жуда кўп. Айнан шу жиҳатдан ҳам ушбу тадбир мен учун қизиқарли ва фойдали бўлди.

Ўзбекистонда сайлов тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш, шубҳасиз, биз учун ижобий тажриба ҳисобланади. Ўзбекистон Президенти ташаббуси бўйича Конституцияга киритилган тузатишлар, чунончи, мамлакат сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишлар бутун сайлов жараёнининг демократиклигини таъминлайди.

Ўзбекистоннинг ушбу соҳадаги муваффақиятига жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги ислоҳотлар имкон берди, деб ҳисоблайман. Ўз навбатида, янги қонунчилик асосида бўлиб ўтадиган сайловлар одамлар ҳаётини янада яхшилашга хизмат қилади.

**Хуан Х. Гутиерез АЛОНСО,**
**Гранада университети профессори (Испания):**

— Ўзбекистон сайлов қонунчилигини ривожлантириш бўйича тўғри йўлдан бормоқда, деб ўйлайман. Бу жуда ҳам мураккаб жараён. Конституцияга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар сайлов тизимини ушбу соҳадаги халқаро стандартлар ва халқаро ҳужжатларга тўлиқ мувофиқ ривожлантиришга хизмат қилади. Сайлов қонунчилигининг конституциявий асослари жуда муҳим аҳамият касб этади, чунки сайлов — бу асосий сиёсий воқеа сифатида мамлакатнинг барча йўналишларда янада тараққий этишига таъсир кўрсатади.

**Александр ШЛИК,**
**ЕХҲТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси эксперти:**

— Ўзбекистон Конституциясига киритилган тузатишларга биноан, Марказий сайлов комиссиясига конституциявий мақом берилди. Назаримда, бу жуда ҳам муҳим қадам. Айни пайтда ваколатлар кенгайиши билан бирга, бундай юксак мақом комиссия зиммасига катта масъулият юклайди ва ундан Асосий Қонун даражасида фаолият юритишни тақозо этади. Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, адолатлиликдан иборат асосий принциплари конституциявий белгилаб қўйилиши ҳам жуда муҳимдир. Аслида улар демократиянинг принциплари ҳисобланади.

**Гулноза ИСМАИЛОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси доценти, юридик фанлар номзоди:**

— Давра суҳбати мобайнида сермаҳсул мунозаралар бўлиб ўтди, тадбир сайлов ҳуқуқи соҳасида миллий ва хорижий экспертларнинг ўзаро фикр ва тажриба алмашиш майдонига айланди.

Мамлакатимизнинг эркин демократик сайлов ўтказиш ҳуқуқий асосларини яратиш ва ривожлантириш бўйича тажрибаси ҳам ҳар томонлама таҳлил қилинди. Таъкидланганидек, сайлов қонунчилигини, амалиётини такомиллаштириш халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда изчил амалга оширилмоқда. Асосий Қонунимизга киритилган тузатишлар сайлов тизимини янада демократлаштиришга қаратилган. Фикримча, сайлов кампаниясининг барча босқичларида қонун устуворлиги, адолат, шаффофлик ва ошкоралик каби тамойилларга риоя қилиш муҳимдир.

Тадбир давомидаги маърузалар ва мунозараларни таҳлил қилиб, шундай хулоса чиқариш мумкинки, мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар, шубҳасиз, стратегик жиҳатдан тўғри танланган ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуриш бўйича “ўзбек модели”нинг амалий натижасидир.

# Спорт

*Пойтахтимизда бадиий гимнастика бўйича ташкил этилган Жаҳон кубоги босқичи ва “Happy Caravan” халқаро турнири якунланди.*

## Гимнастикачиларимиз муваффақияти

Халқаро гимнастика федерацияси шафелигида Ўзбекистон Гимнастика федерацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Миллий Олимпия қўмитаси ҳамкорлигида ўтказилган мазкур нуфузли мусобақаларда Ўзбекистон, Хитой, Жанубий Корея, АҚШ, Япония, Чехия, Жанубий Африка Республикаси, Малайзия, Мексика, Озарбайжон, Арманистон, Беларусь Республикаси, Вьетнам, Исроил, Ҳиндистон, Италия, Латвия, Россия, Қозоғистон ҳамда Қирғизистон каби давлатлардан 100 нафардан зиёд спортчи совринли ўринлар учун кураш олиб борди.

...Бугун юртимиз кўркига кўрк қўшиб турган муҳташам спорт мажмуалари, стадионлар, теннис кортлари, сузиш ҳавзалари, гимнастика марказлари соғлом авлодни тарбиялаб, иқтидор эгаларини кашф этиш ва уларнинг нуфузли мусобақаларда муносиб иштирок этишни таъминлашга хизмат қилаётгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Мамлакатимизда бадиий гимнастикага катта эътибор замирида эса, шубҳасиз, қизларни ҳам жисмонан, ҳам эстетик жиҳатдан тарбиялаш, уларнинг соғлом бўлиб камол топишларига эришишдек эзгу мақсад мужассам. Булар, ўз навбатида, аҳоли орасида ушбу спорт турига бўлган қизиқишни кучайтириб, бўлажак гимнастика юлдузларини юзага чиқариш имкониятларини кенгайтирмоқда.

Айнан шу жиҳатлар пойтахтимизда ўтган бадиий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи ва “Happy Caravan” халқаро турнири мисолида яна бир бор ўз ифодасини топди.

Миллатлараро ҳамжиҳатлик, соғлом турмуш тарзию нафисликнинг ўзига хос тимсолига айланган мазкур нуфузли тадбирларда ҳар бир қатнашчи бор маҳоратини ишга солди. Беллашувларда терма жамоамиз аъзолари ҳам совриндорлар қаторидан ўрин олгани барчамизни хушнуд этди.

Хусусан, “Happy Caravan” халқаро турнири гуруҳлар ўртасидаги алоҳида гимнастика предметлари ёрдамида машқ бажариш бўйича ўтказилган финал мусобақасида булава ва ҳалқа ёрдамида машқ бажарган Комила Рустамова, Фарангиз Аҳмедова, Сабрина Рамазонова, Гўзал Райманова, Ирина Салех ва Карина Тоғаевадан иборат гуруҳ олтин ва кумуш медални қўлга киритди. Асал Аҳмедова, Саида Давидова, Нигина Қудратуллаева, Юлия Нуштаева ва Елена Грубовадан иборат яна бир гуруҳимиз иккита бронза медалига сазовор бўлди.

Яккаликлар ўртасидаги баҳсларда ҳамюртимиз Анора Давлатова булавада, Нилуфар Шомуродова тўп билан машқ бажаришда бронза медали билан тақдирланди.

Бадиий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Елизавета Назаренкова булавада машқ бажаришда бронза медалини қўлга киритди.

Мусобақанинг тантанали ёпилиш маросимида гимнастикачи қизлар ва мамлакатимиз санъат усталари томонидан концерт дастури намойиш этилди.

*Тошкентда бир йўла икки нуфузли халқаро мусобақа — таэквондо (WTF) бўйича XXI ва таэквондо “Пумсе” бўйича III Осиё чемпионатлари бошланди. Осиё таэквондо иттифоқи, Ўзбекистон таэквондо (WTF) ассоциацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур қитъа биринчиликларида ўттиздан зиёд давлатдан 400 нафарга яқин спортчи ғолиблик учун кураш олиб бормоқда.*




## Пойтахтимиз — нуфузли мусобақалар мезбони

25 май куни “Ўзбекистон” спорт мажмуасида таэквондо (WTF) бўйича XXI ва таэквондо “Пумсе” бўйича III Осиё чемпионатларининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида спортга давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратилиб, бу борада зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Кенг имкониятлар боис спортнинг Олимпиада дастуридан ўрин олган таэквондо (WTF) тури жадал ривожланаяпти. Бунда 1992 йилда Ўзбекистон таэквондо (WTF) ассоциациясининг ташкил этилгани, у 1993 йилда Жаҳон таэквондо федерациясига аъзо бўлгани алоҳида аҳамият касб этаётир. Амалга оширилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, ҳозир юртимизда йигирма мингдан ортиқ ўғил-қиз таэквондо билан мунтазам шуғулланмоқда. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида таэквондо бўлими фаолияти йўлга қўйилган. Бу ерда малакали мутахассис ва мураббийлар тайёрланаяпти. Мамлакатимиздаги олимпия захиралари коллежлари, ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабларида таэквондо (WTF) бўлимлари, спорт секциялари ва тўгараклари маҳоратли спортчиларни тарбиялашга хизмат қилаётир.

Ана шундай юксак эътибор туфайли ўзбекистонлик таэквондочилар кўплаб нуфузли халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишмоқда. Жумладан, Рашид Аҳмедов ўсмирлар, Эдуард Хегай ва Акмал Эргашев катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатларида кумуш, Евгений Ли ҳамда Ирина Дергач бронза медалларига сазовор бўлган. Осиё ўйинлари ва қитъа чемпионатларида ҳамюртларимиз умумий ҳисобда йигирмата медаль жамғаришган. Фахрланарли жиҳати, таэквондо (WTF) бўйича Ўзбекистон терма жамоаси дунёнинг энг кучли ўн жамоасидан бири сифатида эътироф этилган.

— Ўзбекистонда спортга бўлган юксак эътибор, халқаро талабларга тўла жавоб берадиган замонавий спорт мажмуаларининг мавжудлиги юртингизда ҳар қандай йирик мусобақани юқори савияда ўтказиш имконини беради, — дейди Осиё таэквондо иттифоқи раҳбари Ли Кю Сок. — 2010 йилда Тошкент шаҳрида таэквондонинг “Пумсе” йўналиши бўйича бешинчи жаҳон чемпионати зўр муваффақият билан ташкил этилган эди. Ишончим комил, Осиё чемпионатлари ҳам ана шундай кўтаринки руҳда ўтади.

Қайд этиш жоиз, таэквондо (WTF) ёзги Олимпиада ўйинлари дастурига киритилган бўлиб, мазкур спорт тури бўйича мусобақалар 2000 йилдан буён ўтказиб келинмоқда. Ўзбекистонлик таэквондочилар 2008 йилда Афина, 2012 йилда Лондон шаҳри мезбонлик қилган ҳар тўрт йилликнинг энг нуфузли спорт анжуманида муносиб иштирок этишган.

Вакилларимиз эндиликда асосий эътиборни 2016 йилда Бразилияда бўладиган навбатдаги ёзги Олимпиада ўйинларига муносиб тайёргарлик кўришга қаратишган. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро (Бразилия)да бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида”ги қарори муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон таэквондо (WTF) ассоциацияси минтақавий федерациялар фаолиятини кучайтириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, машғулот ва мусобақаларни замонавий талаблар даражасида ташкил этиш, халқаро майдонда юксак натижалар кўрсатишга қодир спортчиларни саралаб бориш тизимини такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда.

Пойтахтимизда ўтказилаётган XXI Осиё чемпионатида спортчилар совринли ўринлар билан бирга, навбатдаги ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмалари рейтинг очколари учун ҳам баҳс олиб боришмоқда. Мусобақа регламентига кўра, ўз вазн тоифасида 1 — 6 ўринларни қўлга киритган таэквондочилар ана шундай имкониятга эга бўладилар.

XXI Осиё чемпионатида Ватанимиз шарафини 12 нафар спортчи ҳимоя қилаяпти. Таэквондо “Пумсе” бўйича қитъа биринчилигида 16 нафар ҳамюртимиз ўз имкониятини синаб кўрмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икрамов сўзга чиқди.

**Фазлиддин АБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

## Қатъият, шижоат, беғубор орзулар

академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таҳсилни давом эттирадиган йигит-қизлар истакларида яққол намоён бўлмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мамлакатимиздаги барча мактабларда “Хайр, мактаб, салом, коллеж” шиори остида бўлиб ўтган тадбирларда ҳам ана шу жиҳатлар яққол кўзга ташланди. Хусусан, пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 260-умумтаълим мактабининг 9-синф битирувчилари эзгулик, дўстлик ва меҳр-оқибат ғоялари тараннум этилган бадиий дастур орқали устозларига миннатдорлик билдиришди.

Эътироф этиш жоизки, мазкур мактабда аниқ фанлар ҳамда хорижий тиллар чуқурлаштирилган тарзда ўқитилиши билан бирга, битирувчиларнинг касб-ҳунарга қизиқишини кучайтириш бўйича ҳам муайян чора-тадбирлар кўрилмоқда. Ўқув йили давомида “Касбим — фахрим”, “Келажакда ким бўлмоқчиман?”, “Очиқ эшиклар куни” сингари сўровнома, экскурсия, тренинглар мунтазам ўтказилганлиги бунинг далолатидир.

“Хайр, мактаб, салом, коллеж!” шиори остида ўтказилган байрам тадбирида энг фаол ва аълочи ўқувчиларга етуклик шаҳодатномаси билан бирга, мақтов ҳамда фахрий ёрлиқлар ҳам топширилди. Шунингдек, Ватанимизни мадҳ этувчи, устозларга меҳру муҳаббат ва чуқур эҳтиром туйғуси тараннум қилинган шеърлар ўқилди, куй-қўшиқлар ижро этилди.

...Шу куни мамлакатимизнинг барча ўрта таълим муассасаларида бундай тадбирлар кўтаринки руҳда ўтказилди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### ИБРАТ

*Сирдарё педагогика коллежининг ахборот-ресурс маркази фонди 200 номдаги китоблар билан бойиди. Янги адабиётларни Сирдарё туманидаги “Дилрабо-мадина-ҳамкор” хусусий корхонаси раҳбари Олимжон Файзиев туҳфа этди.*

## Коллежга китоблар туҳфа қилинди

Қувонарлиси, ҳозир коллеж кутубхонасида қарийб 55 минг нусхадаги турли китоблар сақланмоқда. Электрон кутубхона фонди эса 1014 номдаги дарсликларни ўз ичига олган. Шунингдек, коллеж ўқитувчилари ва ўқувчилари бу ердаги 37 номдаги мультимедиа дарсликларидан ҳам самарали фойдаланишмоқда.

Эътиборли жиҳати, вилоятдаги барча лицей ва коллежларда бой захирага эга ахборот-ресурс марказлари ишлаб турибди. Вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси маълумотига кўра, ҳозиргача улардаги жами адабиётлар сони 1 миллион 16 минг 622 тага етган.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


• ЭЪЛОНЛАР •

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ**
***очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

«Capital realtor group» МЧЖ Фарғона филиалида 2014 йил 17 июнь куни соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

**I.** Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2011 йил 30 декабрдаги 2-125-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Олтиариқ тумани, «Фруктовый-Рай» агрофирмасига қарашли, Олтиариқ тумани, «Қапчуғай» ҚФЙ, «Шарқ тонги» МФЙ, Қапчуғай кўчасида жойлашган, умумий майдони 6048,78 кв.м., фойдаланиш майдони 3577,98 кв.м. бўлган маъмурий бино ва иншоотлар.
***Бошланғич баҳоси — 244 287 107 сўм.***

**II.** Марғилон шаҳар СИБ томонидан ЖИБ бўйича Риштон тумани судининг 2012 йил 25 июндаги 1-11-7/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Марғилон шаҳри, «6-КМК» МЧЖга қарашли, Марғилон шаҳри, «Наврўз» МФЙ, Саккокий кўчаси, 2-уйда жойлашган, умумий майдони 8265,18 кв.м., фойдаланиш майдони 7233,74 кв.м. бўлган бино-иншоотлар мажмуа сифатида.
***Бошланғич баҳоси — 559 591 343 сўм.***

**III.** Риштон тумани СИБ томонидан ЖИБ бўйича Риштон тумани судининг 2012 йил 12 июлдаги 1-113-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Риштон тумани, «Бешкапа» ҚФЙ, Жалоер қишлоғида жойлашган, умумий майдони 178,37 кв.м., фойдаланиш майдони 151,41 кв.м. бўлган тегирмон ва савдо дўкони.
***Бошланғич баҳоси — 14 284 393 сўм.***

**IV.** Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2012 йил 8 августдаги 2-50/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

**1.** Олтиариқ тумани, «Қапчуғай» ҚФЙ, Қапчуғай кўчасида жойлашган, «Эркабоевлар» МЧЖга қарашли, қурилиш ости майдони 4423,78 кв.м., фойдаланиш майдони 1012 кв.м. бўлган, 0001-0016 литерлардаги керамзит базаси бино-иншоотлари.
***Бошланғич баҳоси — 343 209 101 сўм.***

**2.** Олтиариқ тумани, «Олтиариқ» ҚФЙ, «Зураймомо» МФЙда жойлашган, «1-Кўчма механизациялашган карвон» МЧЖга қарашли, қурилиш ости майдони 11365,27 кв.м., фойдаланиш майдони 4596,42 кв.м. бўлган, 0001-0012 литерлардаги молхона комплекси бино-иншоотлари.
***Бошланғич баҳоси — 434 069 222 сўм.***

**3.** Олтиариқ тумани, «Ҳамза» ШФЙ, «Янги ҳаёт» МФЙ, Навоий кўчасида жойлашган, А. Х. Эркабоевга қарашли, қурилиш ости майдони 569,65 кв.м., фойдаланиш майдони 631,10 кв.м. бўлган, 0001-0003 литерлардаги қурилиши тугалланмаган хусусий банк бино-иншоотлари.
***Бошланғич баҳоси — 132 682 521 сўм.***

**V.** Қува тумани СИБ томонидан ФВХСнинг 2010 йил 30 июндаги 15-10-02/14200-сонли ва 2010 йил 26 июлдаги 10-07/12156-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, «Қувадонмаҳсулотлари» ОАЖга тегишли, Қува тумани, Қува шаҳри, «М. Ҳасанов» МФЙда жойлашган:

**1.** «48-кв» номли кўп қаватли тураржой биносининг бир қисми (ҳозир тикувчилик хонаси), умумий майдони 51,04 кв.м. бўлган хонадон.
***Бошланғич баҳоси — 5 781 939 сўм.***

**2.** «48-кв» номли кўп қаватли тураржой биносининг бир қисми (ҳозир сартарошхона), умумий майдони 11,76 кв.м. бўлган хонадон.
***Бошланғич баҳоси — 4 339 498 сўм.***

**3.** «48-кв» номли кўп қаватли тураржой биносининг бир қисми (ҳозир дорихона), умумий майдони 103,24 кв.м. бўлган хонадон.
***Бошланғич баҳоси — 20 055 065 сўм.***

**4.** «48-кв» номли кўп қаватли тураржой биносининг бир қисми (ҳозир дорихона), умумий майдони 57,97 кв.м. бўлган хонадон.
***Бошланғич баҳоси — 6 927 953 сўм.***

**5.** «48-кв» номли кўп қаватли тураржой биносининг бир қисми (ҳозир даволаш маскани), умумий майдони 197,46 кв.м. бўлган хонадон.
***Бошланғич баҳоси — 22 683 545 сўм.***

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда, яъни 2014 йил 13 июнь куни соат 17.00 да тўхтатилади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Барча масала юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 35-уй, «Биржа маркази» биноси, 2-қават, 19-хона. Телефонлар: (+99873) 244-42-24, (+99890) 231-38-59.**

811R/90

Хизматлар лицензияланган.

**Билдириш**

«Халқ сўзи» газетасининг 2014 йил 9 майдаги 90-сонида хабар қилинган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 18-квартал, 31-уй, 38-хонадонда жойлашган уй-жойнинг аукцион савдоси Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлимининг 2014 йил 19 майдаги хатига асосан тўхтатилди.

***«Capital realtor group» МЧЖ маъмурияти.***

810R/90

**«Respublika mulk markazi» ЁАЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарорига мувофиқ, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг 2014 йил 10 майдаги 01-00/333-сонли буюртманомасига асосан, институтга тегишли, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншоҳ кўчаси, 123-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

**1.** «ГАЗ-3302-14 СПГ «Газель» русумли, давлат рақами 01/763LBA бўлган, 2004 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
***Бошланғич баҳоси — 30 050 000 сўм.***

**2.** «Damas» русумли, давлат рақами 01/557 LBA бўлган, 2001 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.
***Бошланғич баҳоси — 12 942 290 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 30 июнь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 13 июнь куни соат 18.00.

Автотранспорт воситаларининг 30 июндаги савдоси бўлиб ўтмаган тақдирда, уларнинг такрорий савдолари 2014 йил 7 ва 14 июль кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш: 2014 йил 7 июлдаги савдо учун — 4 июль куни соат 18.00, 14 июлдаги савдо учун — 11 июль куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоси ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Respublika mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор туман, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52. www.rmm.uz**

***Гувоҳнома № 006231.***

812R/1452




MDIS Tashkent
Management Development Institute of Singapore

**Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти**

MBA дастурининг халқаро стандартлар асосидаги магистратура курсларига таклиф этади.

**2014 йил 30 май**

**МАГИСТРАТУРА КУНИ**

деб эълон қилинади.

Абитуриентларни қабул қилиш — соат 10.00 дан 17.00 гача.

2014/2015 ўқув йилида тақдим этиладиган дастурлар

Бизнес бошқаруви магистри (MBA):
MBA — молия| MBA — маркетинг

100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳкўчаси, 28-уй.
Телефон: (8-371) 271-77-00. Факс: (8-371) 276-90-94.
E-mail: marketing@mdis.uz www.mdis.uz

**Омадли келажакка биз билан эришинг!**

788R/436

Хизматлар лицензияланган.

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz


“Ўзтрансгаз” акциядорлик компанияси жамоаси меҳнат фахрийси **Фатхулла Маҳаммаджанович АҲМЕДЖАНОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 569. 119 678 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.35 Топширилди — 23.35 1 2 3 4 5